ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Камолиддин Киргизбаев
Чирчиқ давлат педагогика институти

Ислом Абдуганиев
Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада таълим тизимини такомиллаштиришнинг тамойиллари назарий-илмий асослар ва мутахассислар тадқиқот натижалари орқали келтирилиб ўтилган.

Калит сўзлар: таълим сифати, такомиллаштириш, демократлаштириш, инсонпарварлаштириш, узлуксиз таълим, илғор таълим, интеграциялаш

PRINCIPLES OF IMPROVING THE EDUCATION SYSTEM

Kamoliddin Kirgizbaev
Chirchik State Pedagogical Institute

Islam Abduganiev
Chirchik State Pedagogical Institute

ABSTRACT

This article the principles of improving the education system are presented through theoretical and scientific foundations and the results of research by specialists.

Keywords: quality of education, improvement, democratization, humanization, continuing education, advanced education, integration.

КИРИШ

Таълим сифати ўқув жараёнидаги ўзига хос хусусиятлар мажмуи бўлиб, инсон, жамият ва давлатнинг истиқболли эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлаш асосида унинг самарадорлигини ошириш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда таълим соҳасини тубдан модернизация қилиш асносида унинг юқори даражасига эришиш ва янада такомиллаштириш бўйича хорижий ва маҳаллий тажрибалар тадқиқ қилинмоқда.

Таълим сифати, бу бутун таълим тизими таркибий қисмларининг сифат вазифалари, мураккаб ривожланиш кучи(динамика)га эга бўлган жараён бўлиб, у таълим муассасалари фаолиятидаги ижтимоий, иқтисодий, технологик ва сиёсий муҳитнинг ўзгариши билан изоҳланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Таълим тизимини замонавийлаштириш жараёнларини ҳисобга олган ҳолда унинг асосий тамойиллари, ғоялари, услубий ёндашувлари ва кўрсатмалари бўйича бир қатор ўзбек олимлар, жумладан, У.Ш.Бегимқулов, О.Мусурмонова, М.С.Мустафаева, Б.Р.Адизов, Р.Ш.Ахлиддинов, Ю.Н.Абдуллаев, М.Х.Маҳмудов, Р.Ишмуҳаммедов, Л.В.Голиш каби тадқиқотчилар ўз илмий изланишларида биз кўтариб чиқаётган таълим сифатини такомиллаштиришдаги муаммолар, усул ва воситаларни илмий ва амалий жиҳатдан асослаб, таълимни ижодий ташкил этиш, умумий ўрта таълимни такомиллаштириш, таълимни демократлаштириш ва бошқа хусусиятлар бўйича изланишлар олиб борган.

МУҲОКАМА

Таълим тизимини такомиллаштириш таълимни ривожлантиришнинг шахс, жамият, таълим ва ишлаб чиқариш каби ғояларига асосланган ҳолда бир қатор тамойиллари тақдим қилинган:

- таълимни демократлаштириш;
- таълимни инсонпарварлаштириш;
- узлуксиз таълим;
- илғор таълим;
- таълимни интеграциялаш;
- таълимни миллий асосда стандартлаштириш;
- таълимни ижтимоийлаштириш;
- таълимни индивидуаллаштириш;
- таълимни тарбия билан узвий олиб бориш;
- таълим олувчилар иқтидорини аниқлаш ва дифференциаллаш;
- таълимни амалийлаштириш кабилардир.

Таълим сифатини ривожлантиришнинг муҳим тамойилларидан бири замонавий таълимнинг ривожланиши янги ижтимоий-маданий вазиятни таҳлил қилиш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлиб, бунда кўплаб тадқиқотчилар мактабни **демократлаштириш** муҳимлигини ва бу таълим олдида турган муаммоларни ҳал қилишнинг калити эканлигини таъкидлаб ўтган.

Таълимни демократлашуви – таълим ва тарбия услубларининг танланишида ўқув муассасаларининг мустақиллигини кенгайиши, таълимни бошқаришнинг давлат-жамият тизимига ўтилиши. Таълим сифатини таъминлашда муҳим аҳамият касб этадиган педагогик тизимни бошқаришни демократлаштириш, бу кадрларни танлаш, шартнома асосида ишга қабул қилиш, қабул қилинаётган қарорларни очиқ муҳокама этиш, ахборотларни барча учун очиқ, тушунарли

бўлишига эришиш, таълим муассасаси ҳаётига оид ўз фикрларни билдиришларига имкон бериш, таълим муассасасида демократик ғояларнинг устувор ўрин тутишини англатади.

Таълимни **инсонпарварлаштириш** (таълим-шахс) билан боғлиқ бўлган кейинги тамойилда унинг шахсий йўналиши сифатларини қайта йўналтириш назарда тутилади. Бозор муносабатлари шароитида бу жараён шахснинг ривожланиши ва ўзини-ўзи тасдиқлаш натижасида ижтимоий барқарорлик ва ижтимоий ҳимоя воситаси сифатида кўриб чиқилади. Инсонийликка йўналтирилган таълим фалсафаси барча босқичларда таълим жараёнини сифатли янгилашнинг стратегик дастурига айланади.

Ҳозирги кунда таълим жараёнининг муҳим муаммоси таълим-тарбиянинг инсонпарвар парадигмаларини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Бу парадигмалар замонавий ижтимоий-маданий вазиятга мос келиши лозим. Шундагина у кўпмаданиятлиликка асосланган таълим жараёни олдига қўйилган вазифаларни ҳал эта олади. Унинг ечимларини топишга ҳаракат қилиш инновацион тарбия концепцияси муаллифлари томонидан амалга оширилди. Инновацион таълим-тарбия концепциясининг асосини ташкил қилган инсонпарвар ёндашувларга таянадиган бўлсак, бу йўналишдаги бир қатор тадқиқотлар, жумладан, ўз-ўзини ривожлантиришга асосланган тарбия тизими (Л.И. Новикова); инсонни маданият ёрдамида тарбиялаш (Е.В. Бондаревская); жамоавий ижодий иш методлари (И.П. Иванов); эркинлик педагогикаси ва педагогик қўллаб-қувватлаш (О.С. Газман); шахсга йўналтирилган таълимнинг дидактик моделлари (В.В. Сериков); педагогик фаолиятни мустақил ташкил этиш (С.В. Кульневич) кабилар бунга мисол бўла олади. Мазкур тадқиқотлар негизида ифодаланган ғоя: дунёвий таълимнинг илмий-техника тараққиётига ўтиш парадигмасидан, билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга асосланган шахсга йўналтирилган ҳамда ўз фаолиятини ижодий татбиқ этишга қаратилган инсонпарварлик парадигмасига ўтмоқда.

Инсонпарварлик фалсафасининг асоси шахс бўлиб, унинг асосий фаолияти келажакка интилиш, унинг ижодий салоҳиятини эркин амалга ошириш, ўзига ишониш ва ўз “мен”ига эришиш имкониятидир, дейиш мумкин.

Инсон манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб, унинг ривожланиш истиқболларини таълимни инсонпарварлаштиришнинг асосий хусусиятлари сифатида белгиланадиган инсонпарварлик, мустаҳкам асослилик ва аниқ фаолият йўналишининг танланиши муҳимлиги орқали келтириш мумкин.

Таълимни ривожлантиришнинг яна бир муҳим тамойили узлуксиз таълим тамойилидир. Ушбу тамойил бир томондан, таълим сифатини оширишнинг

шарти ҳисобланса, иккинчи томондан, таълим тизимини яхлит тизим сифатида қуришда замонавий ижтимоий мойилликларни акс эттирадиган энг муҳим ижтимоий-педагогик тамойил ҳисобланади.

Аввало, шуни эътиборга олиш керакки, анъанавий равишда ўрганилаётган илмий атамада узлуксизликка доимий таълим жараёни сифатида қаралади, бугунги глобаллашув шароитидаги замонавий жамиятда эса, биз узлуксиз таълим тамойилини ҳаётни тез ўзгариб бориши муносабати билан инсон бутун ҳаёти давомида ўз устида ишлаш, ривожланиш сари йўналтирилган ғоясини назарда тутамиз.

Узлуксиз таълим танаффусларсиз билим олиш, ўрганиш сифатида эмас, балки, таълим ва шу билан боғлиқ фаолият жараёнида шахснинг ривожланиши сифатида тушунилмоқда. Олинган маълумотлар бизга ушбу ғоянинг кўп қиррали моҳиятини чуқурроқ ва тўлиқ англашга, таълимни узлуксиз ва ўз-ўзини ривожлантириш сифатида тушунишга имкон беради.

Таълимни ривожлантиришда илғор таълим тамойили “турли ижтимоий фаолият субъекти бўлмиш шахс учун, истиқболли талабларни башорат қилиш асосида шакллантирилган сифатли таълим” сифатида қаралади.

Сифат деганда, объект ёки предметнинг зарур, нисбатан барқарор хусусиятлари ва тавсифлари йиғиндиси тушунилади. “Сифат “объектнинг аниқлигини ифода этувчи тоифа” сифатида таърифланади, айнан шу тоифа сабабли, у сифат ҳисобланади”.

Объектлар ва ҳодисаларнинг сифат жиҳатдан аниқлиги уларни барқарорлаштирадиган жиҳати бўлиб, ўз навбатида уларни ажратиб туради ва дунёнинг чексиз хилма-хиллигини яратади.

НАТИЖАЛАР

Таълимни такомиллаштириш назариясининг юқорида келтирилган тамойиллари таҳлилини олиб борар эканмиз, унинг сифати ва хусусиятларини замонавий жамиятда жамоат талабларига, муайян ҳудудларнинг манфаатларига ва таълим эҳтиёжларига қаратилган минтақавий, шаҳар ва мактаблар даражасида ҳал қилинади. Шунинг учун таълим сифатини ошириш ва уни ташкил этиш таълим тизимида барқарор ва изчил ривожланиш, интеллектуал ва моддий ресурсларни жалб қилиш қобилиятини белгиловчи янгича ёндашувларни татбиқ этишни талаб қилади. Юқорида келтирилган илмий-педагогик тамойиллар ва хусусиятларни нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш мамлакатимизда, аниқроқ айтадиган бўлсак, Тошкент вилоятида яратилган Педагогик таълим инновацион кластерида таълимни ривожлантириш бўйича

минтақавий дастурларнинг ишлаб чиқилганлиги ва амалда татбиқ этилаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Таълим сифатини оширишга замонавий ёндашувларнинг татбиқ этилиши, уни субъективлик, таркиб, тузилиш, ривожланиш, шахс эхтиёжларини мувофиқлаштириш каби хусусиятлар орқали давлат ва жамиятни ўзаро боғлиқликда инсонпарварлик, узлуксизлик, тараққиёт ва демократлаштириш ғояларига асосланган замонавий таълимнинг янгиланиши ва ривожланишини белгилаб беради. Кластер таълимга нисбатан инновацион ёндашув сифатида ҳудуддаги инсон ресурслари, ташкилотлар ва технологияларни бирлаштирувчи кучли механизмни юзага келтиради.

ХУЛОСА

Узлуксиз таълим тизимида ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий соҳаларнинг, хусусан, фан, таълим-тарбия ва ишлаб чиқаришнинг интеграцияси мукаммал тарзда амалга оширилмас экан, таълим сифати ва унинг натижавийлиги баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш бобидаги стратегик мақсадга эришиб бўлмайди. Шунинг учун биринчи навбатда бугунги кунда таълимнинг мазмун-моҳиятини модернизация қилиш ва унга мутаносиб ҳолда педагогик инновацион ёндашувларни мунтазам амалиётларда татбиқ этиш, ўқув жараёнларидаги фаолиятларни амалиётлар билан ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

REFERENCES

1. Gafforov Ya. X. (2020). Methods for developing a system of teaching history and increasing the effectiveness of history teaching. Индия. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research. 2020, 108.
2. Abdurakhmanova, J. N. (2020). The policy of tolerance in Uzbekistan (in the case of Greeks). International Journal on Integrated Education, 2(5), 212.
3. Тоштемирова, С. (2020). Таълимда Чирчиқ тажрибаси. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 445-451.
4. Ғаффоров. Я.Х. Мактаб ислоҳати ва ўқитиш методларини такомиллаштириш. Science and education. Sgientific Journal. 2020, 482.
5. Toshtemirova S. A. (2020). Ta'lim sifati va uni demokratlashtirish ilmiy muammo sifatida // Uzluksiz ta'lim. № 1 (86). - S.5
6. Gafforov Ya.X. Toshtemirova. S. (2020). Ways to increase the effectiveness of education in an integrated environment. International Journal of Current Research and Review. India.

7. Тошев, Солежон Аҳматжонович. (2020). ТУРКИЯДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. Science and Education, 1(7), 625-631
8. Тошев, Солежон Аҳматжонович.(2020). Ўзбекистон совет мустамлакачилик даври тарихининг Туркияда ўрганилиши. Ўтмишга назар.2(2-махсус сон). 347-353
9. Жуммагул Номозовна Абдурахманова, Саодат Абдурашидовна Тоштемирова.(2020). Инновацион технологиялар ва ахборот маданиятини шакллантириш педагогиканинг долзарб масалаларидан бири. Science and Education.1(7). 436-442
10. JI Suyundikovich. (2020). TARIXNI O'QITISH METODIKASI RIVOJLANISHI TARIXIDAN. Fan va ta'lim, 1 (5), 195.
11. Mardonov, S., Toshtemirova, S., Ahmadjonov, B., & Koshanova, N. (2020). Structure and Mechanisms of Action of the Educational Cluster. International Journal of Psychological Rehabilitation, 24(7), 8104-8111.
12. G'afforov, Y., Nafasov, A., & Nafasova, Z. (2020). From the History of the Beginning of the "Great Game". Journal of Critical Reviews, 7(11), 2798-2802.
13. Н.С. Кенжаева (2019). Научное изучение Памира в 1923-1928 гг. при участии Материалы международной научно-практической конференции "Социально-экономическое и культурное сотрудничество Таджикистана и Узбекистана: история и современность. С. 291-295.
14. Н.С. Кенжаева (2019). Вклад российских ученых в изучение Памира и Припамирья в составе Таджикской комплексной экспедиции 1932 года. Гуманитарное измерение в истории российско-узбекистанских связей. С. 79-86.
15. Раимова, А. (2020). Эвакуация центров науки и культуры в Узбекистан в годы Второй мировой войны. Science and Education, 1 (7), 600-609.
16. Мардонов, Ш. К., & Жаббарова, О. М. (2020). ЗАДАЧИ УРОКОВ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА В НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЕ. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 862-870.
17. Матчонов, С. (2020). Бадиий асар матни устида ишлаш усуллари. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 332-337.